

Ҳижроним мингдир менинг (қисса)

Хуришид Дўстмуҳаммад

Инсон қалбининг энг нозик, энг дахлсиз, энг эрка туйғуси – муҳаббат! Ёзма ижоднинг энг самимий, энг сирли ва энг жозибали шакли эса – мактуб. Муҳаббат жозибасию сеҳрини баён этишида мактубдан кўра қулай ва табиий шакл йўқ. Азиз китобхон! Қиссадаги мактубларни Сиз ёзгансиз, уларнинг бари Сизники. Ишонаверинг, қиздир-йигитдир, истаган киши бундай ишқномани битишига қодир. Фақат бунинг учун, кўнгил безубор севги сурурию бокира муҳаббат изтиробини бошдан кечирган бўлса бас.

Муаллиф

*Ҳеч кима маълум эмас
ҳоли паришоним менинг.*

Мащраб

Ҳижроним мингдир менинг

1

... асл гавҳар қандай бўлишини биласизми? “Дур, ёқут, марварид” дерсиз. Тополмадингиз, тополмайсиз ҳам. Одамлар одатда ўзлари етишолмаётган, қўлга кирита олмаётган нарсаларни шу қадар яхши биладилару, ёнгиналаридаги бойликнинг ёки топилдиқнинг фарқига бормайдилар, қадрига етмайдилар.

Нимага шаъма қилаётганимни сездингизми? Жавоҳирнинг асили дур ёхуд марварид эмас, асло, жавоҳирнинг асили – Сиз, Сизнинг ўзингиз!..

Сизни биринчи бор учратганимда қандай аҳволга тушганимни айтай: кўнглингизга олмангу, Сизга бирров кўз ташлаганимда манглайингиз, яноғингиз, юзингиз бу қадар оппоқлигини кўриб, ичимда, “Бундай қизнинг қалби тонг шабадасидек беғубор бўлади” деб юборганман. Қўл узатиб, ўзимни таништирмаққа чоғланганман ҳам, лекин...

Орадан йиллар ўтди. Биласизми, мен ҳеч кимдан бегонасирамайман, етти ёт бегона билан ҳам зумда тил топишаман. Сизга эса юрак ютиб оғиз очолмадим. Сулув чехрангизни эмас, сулувлиқни кўз-кўз қилаётган – чехрангиздаги нурдек оқликни кўриб ақлим шошиб қолган.

Ҳар кишида то умрининг охиригача гўдаклик туйғуси сақланади. Билмадим, ўша дамда гўдаклик ҳисларим жунбушга келдими, илинж, хавотир ва армон аралаш тушуниксиз бир майл хаёлимга тирғалди: “Мен шу оқликка лойиқманми?” деган